

# Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 14-iyul, payshanba

№ 26 (9190)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING 2022 ЙИЛ 2 ИЮЛДАГИ “ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН RESPUBLIKASI ХУДУДИДА ФАВКУЛОДАДА ҲОЛАТ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ПФ-164-СОН ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “Фавкулдада ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида фавкулдада ҳолат жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-164-сон Фармонининг 2-бандидаги “соат 21:00 дан соат 07:00 га қадар” сўзлари “соат 23:00 дан соат 05:00 га қадар” сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Мазкур Фармон имзоланган кундан эътиборан кучга киради ва оммавий ахборот воситаларида дарҳол эълон қилиниши шарт.

3. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига тасдиқлаш учун юборилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 13 июль

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Туркменистон Республикаси Вазирлар  
Маҳкамаси раисининг ўринбосари Б.Атдаев  
бошчилигидаги делегацияси Бухоро  
шаҳридаги бир қатор йирик корхоналар  
фаолияти билан яқиндан танишди.

Бухоро шаҳри “Шайх ул олам” кўчасидаги 3 гектар ерда қад ростлаган сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган “Bukhara agroklastar DZZ” МЧЖ корхонаси фаолияти меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Жорий йил март ойида иш бошлаган корхонада биринчи босқичда 25 нафар киши ишли бўлди. Йиллик қуввати 30 минг тонна сутни қайта ишлашга мўлжалланган корхонанинг умумий қиймати 4,4 миллион долларни ташкил этади. Тадбиркор Темура Шариповнинг ўз маблағи ва АТБ “Агробанк” вилоят филиали кредити асосида барпо этилган корхона цехлари Италия ва Россия давлатларидан олиб келинган ускуна ва жиҳозлар ўрнатилган.

Кўп тармоқли даволаш ва диагностика маркази – “Samen plus” МЧЖ Бухоро шаҳри “Намозгоҳ” кўчасида жойлашган. Бир гектар ер майдонида қад ростлаган замонавий тиббиёт муассасаси 2020 йил декабрь ойида иш бошлаган. Лойиҳа қиймати 8,8 миллион долларни ташкил этади. Шундан 3 миллион доллар бевосита “Миллий банк” АЖ вилоят филиали кредит линиясидир. Эътиборлиси, айна кунда 65 нафар малакали мутахассис, тиббиёт ходими ишлаётган шифо масканида 20 минг бемор-

га тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилган.

Туркменистон Республикаси делегациясининг мазкур ва бошқа корхоналар иш услуби, хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароит, қолаверса, маҳсулот экспортга оид саволларига соҳа мутасаддилари томонидан атрофлича жавоб берилди.

Шунингдек, Туркменистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Б.Атдаев бошчилигидаги делегацияси биринчи Ўзбекистон – Туркменистон ҳудудлараро форумида иштирок этади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзоқов билан учрашуви, икки қўшни давлатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрғазмаси ва халқ амалии сўзга эҳтишоб билан танишувлари, Ўзбекистон – Туркменистон ишбилармонлар кенгашининг Қўшма йўналишида, шунингдек, Ўзбекистон – Туркменистон ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида икки томонлама учрашувларда қатнашиши кўзда тутилган.

Расмий учрашув ва мулоқотлар билан бирга, қатор маданий-маърифий тадбирлар ҳам ташкил этилади.

Зариф КОМИЛОВ,  
ЎЗА мухбири.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

## ГУВАЛАКЛИК БОБОДЕҲҚОН

Қашқадарёлик бободехқон Шодиёр Султонов орли, мағрур кексалар хилидан. Гувалаклик оқсоқолни косонликларнинг аксарияти тажрибали агроном, миришкор ва соҳибкор сифатида тан олишади.

– Дехқончилик қизиқиш, ерга меҳр қўйиш, яратувчанлик асли унга ота-боболаридан, акаларидан ўтган. Акаси раҳматли Тожи Султонов ҳам собиқ Шўролар тузуми даврида бир эмас, икки хўжаликка раҳбарлик қилиб, хароба қишлоқларни шаҳар типидagi обод гўшаларга, боғ-роғларга айлантирганлиги, фидойилиги билан ўша даврдаги юрт оқсоқоллари Шароф Рашидов ва Ислом Каримовлар назарига тушганлиги худди кечагидай эсимда, ана шу хислатлар Шодиёрга ҳам юққан, – деганида бир галги суҳбатимизда “И-даражали Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонни соҳиби Ёқубхон Аминов.

Шодиёрнинг болалиги отаси Султон бобонинг катта ҳовлисидagi боғда ўтди. “Доройи”, “кишмиш”, “хусайни”, “маска” узумларининг таъми хали ҳам тилининг учди. Ҳар йили март ойида синфдошлари билан навбатма-навбат бир-бирлариникига боришиб, “ток ҳашари”



ўтказганини, узунлиги ўттиз метрли, чуқурлиги бир-бир ярим метрли йиғарматалаб жўякларга ишлов бериб, икки юзлаб тоқларнинг устини очиб,

илдизларининг тупроқ тағидаги ортиқча “кокиллари”ни қайчилаганликлари, оддий жўякларга ишлов бериб, икки буйи қирқ сантиметрли қа-

лин металлдан тайёрланган “бел”да жўяклар орасидаги “пушта”ларни ағдарганини, юзлаб дарахтларни парваришлаганини, меҳр-оқибатнинг кучли бўлган дамларини неваралари тўпланганда айтиб беришдан ҳеч зерикмайди. У 1970 йил ўрта мактабни таомлаганидан сўнг Тошкент давлат Қишлоқ хўжалиги институтига ҳужжат топширди. Олийгоҳни олим-агроном дипломи билан муваффақиятли тугаллашга эришган ёш мутахассис Қашқадарё ўзанининггунг соҳилидаги эндигина ташкил қилинган Акмал Икромов номли хўжаликда иш фаолиятини бошлади. Бир томони Қўнғиртовга туташган қўриқ чўллари ўзлаштиришга қатнашди, пахтачилик ҳамда боғдорчилик соҳасидаги назарий илмларини амалиётда синаб кўрди. Хўжалик раҳбари, устози “Меҳнат қаҳрамони” Холмёр Даминаовдан пахтакорлик сирларини ўрганди.

(Давоми 2-саҳифада)

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## ШОНАЛАР ГУЛГА, ГУЛЛАР КЎСАККА АЙЛАНМОҚДА

Норин туманида ердан унумли фойдаланиш, йил давомида камида 2-3 марта ҳосил етиштириш борасидаги бой тажриба, изланиш, дунё миқёсидаги инновацион янгилликларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ўз самарасини кўрсатмоқда.

– Ушбу дехқончилик йилида Хўжаобод лимончилик мактаби асосида туманида мингдан ортиқ янги лимонхоналар ташкил этилди, – дейди туман ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Баҳромжон Бўтабоев. – Республикамиз бўйлаб, ҳатто қўшни давлатларга ҳам бир миллион тунга яқин кўчатлар етиштириб жўнатилди. Пилачиликда Норин тажрибаси асосида фаолият олиб бориб, ҳар қачонгидан мўл-қўл сановат хомашёси териб, топширдик. Мавжуд 4570 гектар майдондаги ғалланнинг ҳар гектаридан 80 центнердан жами 32 минг тоннадан кўпроқ хирмон кўтарилди. Айна кунларда бўшаган майдонларга экспортбоп экинлар экилиб, парвариш ишлари жадал олиб боришмоқда. Шунингдек, 6038 гектар майдондаги пахтазорларда сугориш, қатор ораларига ишлов бериш, ўғитлаш ишлари авжига. Бунда туман ҳокимлигининг тажрибали мутахассис ва нурунийлардан ташкил этилган ишчи гуруҳи фаолияти ўз самарасини кўрсатмоқда.



Ҳа, аграр соҳада ўз ўрни, мавқеида эга норинликлар далаларида ҳар дамни ганимат билиб иш ташкил этаётганлиги боис мавжуд майдондаги пахта далаларида шона гулга, гул кўсакка айланмоқда. Барпо этилажак 40 центнерлик хирмондан далолат бермоқда. Норинкапа ММТП ҳудудидаги “Махсудали Қозоқбой ўғли” фермер хўжалигига қарашли 48 гектар

майдонни кўздан кечирган, ўз тақлиф ва тавсияларини берган ҳокимлик ишчи гуруҳи аъзолари – тажрибали агроном Эркинжон Турдалиев, меҳнат фахрийлари Холдарали Турдалиев, Махсудали Қозоқовларнинг якуний хулосалари ҳам шундай.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,  
“Qishloq hayoti” мухбири.

Саховат ўлмасин!

## АЙЁМ АРАФАСИДА ХАЙРЛИ ТАДБИР

Хайр-саховат, меҳр-муруватнинг эрта-кечи, чек-чегараси бўлмайди. Бу ҳақиқатни яхши англаган ва доимо яхшиликка интилувчи халқимиз.

Айниқса, турли саналар, Ҳайит айёмлари арафасида бутун юртимиз бўйлаб саховатпешалик, олижаноблик яққол намоён бўлади. Кўплаб ташкилот ва муассасалар қаторида “Enter Engineering” компаниялари гуруҳи ҳам ижтимоий масъулиятни зиммасига олган корхона сифатида имконияти чекланган, моддий-маънавий кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам беришга қаратилган тадбирларни уюштиришни ўзи учун хайрли анъанага айлантирган.

Хусусан, яқинда, Қурбон Ҳайити арафасида компания томонидан ERIELL Group ва Humo Arena муз саройи маъмурияти билан ҳамкорликда навбатдаги хайрия акцияси ташкил этилди. 6 июль куни бўлиб ўтган акция доирасида 38 тоифадаги турли касаликларга чалинган имконияти чекланган фарзандлари бўлган 400 та оиллага моддий-маънавий кўмак кўрсатилди.

(Давоми 2-саҳифада)



## РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ЮЗАСИДАН ҚАТОР НИЗОМЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор масалалар кўриб чиқилди. Дастлаб мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллигида амалга оширган ишлари муҳокама қилинди.

– Марказий сайлов комиссияси 2022 йил биринчи ярим йиллигида ўз фаолиятини қўнуччиликда белгиланган ваколатлари ва юклатилган вазифаларидан келиб чиқиб, ўз иш режасига асосан ташкил этди, – деди МСК котиби Худоёр Маматов. – Ҳисобот даврида бир қатор устувор йўналишлар бўйича иш олиб борилди. Жумладан, умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари, халқаро кузатувчилар тавсиялари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида сайлов қўнуччилиги ва сайлов амалиётини такомиллаштириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорлик доирасини кенгайтириш, сайлов ташкилотчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, сайлов жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий қилиш масалаларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси фаолияти, сайлов жараёнларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларни ривожлантириш ва аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш каби йўналишларда иш олиб борилди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил иккинчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

(Давоми 2-саҳифада)

## Нуронийлик гашти

Косонлик бободехқон 70 ёшида ҳам далаларни боғ-роғлар билан безаш ишқиди ёнаётир

## ЭКОШАХАР ЛОЙИХАСИГА ХОРИЖЛИК ҲАМКОРЛАР ҚИЗИҚИШ БИЛДИРМОҚДА

Фаргона вилояти ҳокимининг ўринбосари Хожикўзижон Исақов Корея Республикасининг сув лойиҳаларини амалга оширувчи йирик "K-water" корпорациясининг Марказий Осиё бўйича бош директори Ли Че Гу билан учрашди.

Фаргона шаҳрида 300 гектар майдонда барпо этилаётган экошаҳар қурилиши жараёнлари билан танишган корейлик меҳмонга шу жойнинг ўзида мазкур лойиҳа ҳақида батафсил маълумот берилди.

7 қаватдан 25 қаватгача бўлган кўп қаватли турар жойлар, маъмурий бинолар, хизмат кўрсатиш масканлари, таълим муассасалари, 50 гектар майдонда қурилиши режалаштирилган кичик sanoat зонаси, 70 гектарлик "Янги Ўзбекистон" боғи "K-water" корпорациясининг Марказий Осиё бўйича бош директори Ли Че Гу да катта қизиқиш уйғотди.

У инвесторларга яратилган қулайликлар, экошаҳарда қурилиш объекти барпо этиш шартлари билан боғлиқ саволларига жавоблар олди.



Мулоқот жараёнида Жанубий Кореяда ҳам мана шундай лойиҳалар мавжудлигини қайд этган Ли Че Гу экошаҳарда "K-water" корпорацияси офиси фаолиятини йўлга қўйиш истаги борлигини, лойиҳа билан яна бир бор танишиб чиқиш, ҳамкорлик чора-тадбирлари белгиланишини маълум қилди.

Маълумот ўрнида, Жанубий Кореянинг "K-Water" компанияси 1967 йилда ташкил топган. Компания сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда қайта тикланадиган энергия объектларини қуриш ва бошқариш соҳасида фаолият юритади.

**М.СЛАЙМОНОВ,**  
ЎЗА мухбири

## ГУВАЛАКЛИК БОБОДЕХҚОН



(Боши 1-саҳифада)

Шодиёр Султонов умрининг кўп қисми чўл хўжаликлари билан боғланган. Косон туманидаги "Ҳиллол", "Пистали", "Тостепа", "Оқтепа", "Ширинтепа" массивларидаги ўзлаштирилган бўз ерларда бош ҳосилот, бўлим бошлиғи, директор муовини каби вазифаларда ҳалол меҳнат қилди. Саратоннинг аёвсиз жазираларида, қурғоқчилик хавфи кучайган йилларда ҳам мақсадидан чекинмади, экинларни ва дарактларни ҳосилга киритишга улғурди. 1991-1995 йилларда вилоят гўшт-сут sanoati бирлашмасининг бош агрономи лавозимида чорвачилик ем-хашак захирасини яратишга бош-қош бўлди. 1995-2001 йилларда узум sanoati бирлашмасида бўлим бошлиғи, 2002-2004 йиллар "Қорабайир" ширкат хўжалиғи раиси, 2005-2015 йилларда Косон тумани қишлоқ хўжалиғи бошқармаси бошлиғининг деҳқончилик масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган кезларда ҳам пахтакору соҳибкорлар, боғбону чорвадорлар билан қадамба-қадам юрди, улардан ўз маслаҳатларини аямда. У турли вазифаларда ишлаган пайтидаям томорқасида хилма-хил ниҳоллар етиштиришни ва эҳтиёжманд оилаларга бепул улашишни қанда қилмади.

Тажрибали агрономи туман ҳокимлиги 2008 йил "Гувалак" фермерлар уюммаси ҳудудида бўш ётган 24 гектар ер майдо-

ни билан сийлади. Меҳнатда тобланган, чўлда ҳосил етиштиришнинг ҳадисини олган Шодиёр ака шўрхок ерларни ишга қўшишнинг қанчалик қийинлигини билсада, раҳбариятнинг топширигини юксак ишончдек қабул қилди, ўғилларини ёнига олиб, астойдил ишга киришиб кетди. "Манғитова Шозода" фермер хўжалиғида биринчи йили фарзандлари билан тиним нималигини билмади. Унумдорлиги буткул пасайган, таркиби мутлақо бузилган майдонларни қайтадан шудгорлади. Танишибилиш, қариндош-уруғ дегандай, қиш бўйи хонадонлардан тележжалаб чорва нурисини ташиди. Қишда ерга гўнг аралаштириб, яқоб суви берди. Экин пайкаларини ихчамлаштирди, сув ариқчалари тортди. Пахта тозалаш корхонаси билан келишиб, 24 гектар ернинг ҳаммасига "Бу-хоро-8" пахта навининг чигитини қадади. Машаққатлар ортда қолди, ҳосилдорлик кутилганидан зиёда бўлди. Фермер хўжалиғи уруғлик пахта етиштиришга ихтисослаштирилди. Яна 10 гектар ер ажратилди. Текислаб шудгорланганидан сўнг, узунасига ариқ олди. 2019 йил баҳорига келиб, фермернинг умумий ер майдони 34 гектарга етди. 20 гектарига пахта, 10 гектарига буғдой, 3 гектарига мевали ниҳоллар экди, қолганига чорва озуқаси сенди. Ниҳоллар орасида сабзаот-поллиз маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйди. Сутчилик йўналишида тармоқ ташкил қи-

лиш учун 20 та соғин сигир сотиб олди. Натижалар чакки бўлмади, 2021 йилда 290 миллион сумга яқин даромад қилинди. – Президентимиз ташаббуси билан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасининг қабул қилиниши ҳамда баҳорги "Долзарб қиш кунлиқ" кўчат экиш тадбирининг ташкил қилиниши биз учун жуда қўл келди, – дейди Шодиёр бобо Султонов. – Ўн гектар майдонга тўрт минг дона етти хил турдаги олма, шафтоли кўчатларини қадашга эришдик. Йўл, ариқ чеккаларига ҳам мингдан ортиқ манзарали ниҳоллар ўтказдик.

Зуваласи пишиқ, вужудига куч-ғайрат жўш уриб турган тадбиркор отанинг бу азму шижоати бизни ҳайратга солди.

– Шодиёр ака билан жўралашганимизга қирқ йилдан ошди, ўзиям тиним билмайди "йигит", – дейди сув хўжалиғи фахрийси Авлиёқул бобо Шабитов. – Ўн икки йил туман сув хўжалиғи бошқармасига бошлиқ ҳамда иккита ширкатга раислик қилганман, қишлоқ хўжалиғи соҳасида қийинроқ муаммоларга дуч келганимда доим шу дўстимдан маслаҳат олганман, тажрибаси жуда катта-да.

– Шодиёр Султонов "Ҳар бир нуроний – ўн нафар ёшга мураббий" тамойили асосида 3 йилдан буён 25 нафар йигит-қизларга устозлик қилди. Айни пайтда ҳам уларга боғдорчилик, миришкорлик сир-асрорларини ўргатапти. Ўтган йили "III-даражали Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланди, – дейди Махалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш туман бўлими бошлиғининг ўринбосари Зикрилло Шерматов.

Дарвоқе, "Дарахт япроғи билан кўрак, одам меҳнати билан" деганларидек, Шодиёр бобо Султонов бугун Косон туманининг обрў-эътибор қозонган оқсоқолларидан саналади. Катта хонадонга бош-қош, тўрт фарзанднинг отаси ва тўққизта неваранинг бобоси. Беш минг хонадонли "Гулбод" номи билан янги Ўзбекистонимизда танилаётган Гувалак қишлоғининг эл суйган кайвониларидан бири. 70 ёшида ҳам далаларни боғ-роғлар билан безаш ишқиди ёнаётган дўстимиз ҳақиқатан ҳам жамиятимизнинг ибрат олишга арзийдиган инсонларидан.

**Эркин ҚИЛИЧЕВ,**  
"III-даражали Меҳнат фахрийси"  
кўкрак нишони соҳиби.

## РЕФЕРЕНДУМГА ТАЙЁРГАРЛИК ЮЗАСИДАН ҚАТОР НИЗОМЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Иккинчи ярим йилликда ўтказилиши режалаштирилаётган Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш, уни юқори савияда ташкил этиш Марказий сайлов комиссиясининг устувор вазифаси эканлиги белгиланди. Конституциявий ислохотлар муносабати билан ўтказиладиган референдумга пух-

та тайёргарлик кўриш, бу борада "Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокама қилинди.

Мажлисида хорижий ва маҳаллий кузатувчилар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг

ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси референдумида хорижий давлатлар ва халқора ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисидаги ҳамда Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар фаолияти тартиби тўғрисидаги низомилар қабул

қилинди.

Шунингдек, аввалги сайловларда хориждаги ватандошларимизнинг фаол иштирокини ҳисобга олган ҳолда ҳамда уларнинг Конституцион ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш ва референдумда овоз беришда қулайликлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик

ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум ўтказувчи участка комиссияларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқланди.

Мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг фикр-мулоҳазалари, тақлифлари тингланди. Яқунда барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Муҳтарома КОМИЛОВА,**  
ЎЗА мухбири.

Ушбу зараркунанданинг тухумдан чиққан кўртчалари анор меваларининг қобиғи, йўлдоши, эти ва данак мағзи билан озикланади. Қўртлар озикланаётганида меваларни ўз ахлати билан ифлослайди ва бундай мевалар чириydi. Қўрт тушган меваларнинг ичи қурумсимон қора замбуруғлар билан қопланади ва улар истеъмолга ярамайдиган бўлиб қолади.

Бу зараркунанда асосан анор боғларига зарар келтириб, олма, беҳи, нок дарактларининг қуриётган пўстлоғи тагида ва чириётган мевалари ичида ҳам ривожлана олади. Капалагининг катталиги қанотлари ёзилганда 20 мм.ча келади. Олдинги қанотлари тўқ кулранг, четлари оч ранг попукли бўлади. Қанотларининг устида эгри-бугри оқ чизиклари бўлиб, қанотлари тахланганида бу чизиклар М ҳарфига ўхшайди. Кейинги қанотлари оч кулранг тусда. Тухуми 16-18 мм.гача узунликда оч пушти рангли бўлади. Личинкаси 16-18 мм.гача узунликда кўнғир тусда анча серҳаракат. Унинг боши ва кўрак қалқончаси тўқ кўнғир тусда, танаси кулранг туклар билан қопланган. Ғумбаги 15 мм.гача узунликда оч жигар рангли бўлиб, ўта кўрниниб турадиган ипаксимон оқ пилла ичига жойлашади. Анор мевахўри етук кўрт ҳамда ғумбак шаклида асосан анор боғларида ерга тўкилган барглари тагида, шикастланиб, ерга тўкилган ва чириган мевалар ичида қишлаб чиқади. Қўртларнинг бир қисми кузгача тўла ривожланиб улғурмайди, бундай кўртлар куз ва қишқи илиқ кунларда озикланаверади. Қўртлар-


нинг бир қисми анор дарактларидаги рақ бутоқлари ва асосий бутоқлар пўстлоғи тагида кўпичча илдиш бўғизи ёнида қишлайди.

Қишлоқдан чиққан кўртлар апрелнинг биринчи ёки иккинчи ўн кунлигида ғумбакка айланади. Кўкламги бўғин капалаклари апрелнинг учинчи ёки майнинг биринчи ўн кунлигида уча бошлайди. Баъзи йилларда бу капалаклар олма мевахўрининг капалакларига қараганда эртароқ учиб чиқади. Улар кечаларига учиб кундузлари анор барглари, бутоқларида соя жойларда туради.

Анор меваларини кўртлар июль ойининг иккинчи ўн кунлигида шикастлай бошлайди. Ёрилган меваларни айниқса қаттиқ зарарлайди. Капалаклар тухумини ёрилган меваларнинг этига ёки данак йўлдошига, мева косасига ёки унинг ёнига ёхуд шох пўстлоғига қўяди. Битта ургочи капалак 90-100 тагача тухум қўйиши мумкин. Тухумлик даври 4-8 кунгача давом этади. Тухумдан чиққан кўртлар мева ичига кириб шу жойда яшайди. Уларнинг баъзилари мева ичига кирмай мева

косасининг пўсти билан озикланиб яшайверади.

Шикастланган меваларда кўртларнинг кирган ҳамда чиққан тешиклари шунингдек, меванинг ичида мева косаси ёнида кўрт ахлатлари билан тўлган йўллар борлиғи кўриниб туради. Ёрилган меваларда 10 та ва ундан кўпроқ, ёрилмаган меваларда эса 1 дан 3 тагача кўрт ривожланади.



Кўртлар ғумбакланиш олдидан мева косаси орқали ташқарига чиқиб танасининг олдинги қисмини кўтарган ҳолда мева косаси ичида ғумбакка айланади. Ёрилган мевалардаги кўртлар эса мева эти ёки қобиғининг юза қаватида ғумбакланади. Кўртларнинг бир қисми мевалардан чиқиб пўстлоқ қобиқлари тагида ғумбакка айланади. Ғумбаклик даври 10-15 кун давом этади ва яна янги

авлод капалаклари учиб чиқади. Бир мавсумда Фаргона водийси шароитларида 5-6 та, Сурхондарёда эса 7 та гача насл бериб ривожланади.

Анор мевахўрининг қушандалари мавжуд. Лекин қурти мева ичида ҳаёт кечиргани учун буларнинг аҳамияти асосан капалак, тухум ва кўрт бекини олганигача намоён бўлади. Капалакларини қушлар, ўргимчаклар, бешиктебратарлар қириб туради. Тухумини эса трихограмма, кўртларини пардақанотли браконид, ихнеумонид қушандалар ҳамда тахина пашшаси зарарлагани аниқланган.

Кураш тадбирлари. Бу зараркунандага қарши курашда унинг қишлайётган кўртларини йўқотишга ҳамда ёрилмаган бутун анор меваларини етиштиришга қаратилган арготехник ва ташкилий хўжалик чоралари жуда катта роль ўйнайди. Шу билан бирга биологик ҳамда кимёвий усулда кураш олиб бориш ҳам яхши самара беради.

Агротехник, ташкилий-хўжалик кураш тадбирлари. Анорзорларда зарарланган меваларни мунтазам йиғиб бориш ва майдонда қолдир-



## АЙЁМ АРАФАСИДА ХАЙРЛИ ТАДБИР

(Боши 1-саҳифада)

Бу оилаларнинг барчаси 19 йилдан буён шу каби оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига ташкилотчилик қилиб келаётган "АЛА" нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатида киритилган. Шу куни болалар ота-оналари ҳамроҳлигида махсус қулай автобусларда Humo Arena саройига ташриф буюрдилар ва бу ерда улар учун қизиқарли юксурсия уюштирилди. Болалар мутахассислар ҳамроҳлигида музга чиқиб, бир неча дақиқа бўлса-да, ўзларини ҳақиқий хоккей ўйинчиларидек ҳис қилиш – махсус уйин таёғини қўлга олиб, дарвозага шайба уриш имконига эга бўлдилар.



– Ушбу байрам ташкил этилганидан бениҳоя хурсандимиз. Инсонга ҳаёти давомда бериладиган энг катта иноят – бировнинг тақдирида яхши ўзгаришларга сабабчи бўлишдир! Бундай эътибор ва ғамхўрлик имконияти чекланган инсонлар, айниқса, болаларнинг руҳий кўтаринкилиги учун жуда муҳим. Ушбу тадбирга бел боғлаган барча ташкилотчиларга – Enter Engineering, ERIELL Group, Humo Arenaга улкан миннатдорлигимизни билдираемиз, – дейди "АЛА" АЖ раҳбари Олеся Усмонова.

Хайрия тадбирининг 145 нафар иштирокчисига турли озиқ-овқат маҳсулотлари жамланган тўпламлар топширилди. Тадбирда иштирок этолмаганлар учун (245 нафар кишига) ташкилотчилар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари манзилма-манзил етказиб берилди.

Хайрия тадбири катта дошқозонда меҳмонлар учун меҳр билан тайёрланган палов тортилган байрамона зиёфат билан якунланди.

**Александра ЖЕЛИХОВСКАЯ,**  
Enter Engineering PR-департаменти  
етакчи ходими.

## АНОР МЕВАХЎРИ – АНОРНИНГ АШАДДИЙ ДУШМАНИ

унга қарши курашда нималарга эътибор қаратиш керак?

маслик, бошқа мевалар зарарланмаслигининг олдини олади. Дарахт қатор ораларини чуқур қилиб юмшатиш ҳамда қишда яқоб суви бериш, қишлоғга кетган мевахўр кўртларининг камайишида муҳим тадбир бўлиб ҳисобланади. Суғориш режимига аниқ риоя қилиш ва ёз фаслида анор дарактларининг узоқ вақт сувсиз қолишига йўл қўймаслик мевалар ёрилмаслигини таъминлайди. Бунга эришилганда анор меваси мевахўр билан камроқ зарарланади. Меванинг гул косачаларини тозалаш ҳамда лой билан суваб чиқиш ҳам зараркунанданинг зарарини камайтиради. Боғларда минерал ва органик маҳаллий ўғитлар билан ишлов бериш тадбирларининг ўтказилиши анор мевасининг ташқи таъсирга чидамлилигини оширади.

Биологик курашда анорзорларда анор гуллаш давридан бошлаб вақти-вақти билан трихограмма кушандасини (1г/га) тарқатиб туриш лозим.

Кимёвий курашда абамектин, ацетамиприд, бифентрин, дельтаметрин, динотефурин, диметоат, лямбда-цигалотрин таъсир этувчи моддалари бўлган препаратлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Юқоридаги уйғунлашган кураш чора-тадбирларини ўз вақтида ҳамда сифатли ташкил этиш, мўл ва сифатли анор ҳосили етиштириш имконини беради.

**Дилрабо ДЎСМАТОВА,**  
Ўсимликлар карантини ва  
химояси илмий-тадқиқот  
институтини  
кичик илмий ходими.



## Кейинги 500 йил ичида сайёрамиз космик жисмлар ҳисобига миллиард тоннага оғирлашди



## СИЗ БИЛМАГАН АЖОЙБОТЛАР

**Болаликдан география, физика фанларига жуда ҳам қизиқаман. Энди ҳарфларни таниб бошлаган 5-6 ёшда "У Ким, Бу Нима" деган болалар энциклопедиясини ўқишга уринардим.**

Ёшим кичик бўлганлиги сабабли илмий далилларга асосланган бундай қалин ва катта ҳажмдаги китоб менга биров "оғирлик" қилган. Аммо бири биридан рангин расмлар солинган шу 2 томли китобни қайта-қайта очгим келаварди. Кейинчалик эса ойнаи жаҳон орқали "Жилловланмаган Африка", "Кустонинг саргузаштлари" каби машҳур телекурсувларнинг бирорта ҳам қисмини қолдирмай кўриб борардим...

Бугун ўша қизиқшларим сабаб кузатган ва ўқиб, мушоҳада қилган она табиатимиз ажойиботлари билан биров бўлишим келди.

Ер юзидagi бутун инсоният бир йилда жами қанча энергия тўплаши ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Агар жавобингиз бўлмаса, албатта қизиқиб кўринг! Сабаби, бутун инсоният бир йилда сарфлайдиган энергияни куёш уч дақиқа ичида сарфлашни билиб оласиз. Тошкент ва Ашхобод ёзининг пешинида ҳар бир км. квадратга тушадиган куёш нурлари энергияси Днепр ГЭС ярим йилда ишлаб чиқарадиган энергия ҳажмига тенг.

Эндиги бўлишмоқчи бўлган маълумотим атрф-муҳитга бефарқ бўлмаган жамки инсонларни сергак торттиради. Кейинги 500 йил ичида сайёрамиз космик жисмлар ҳисобига миллиард тоннага оғирлашди. Тахминларга кўра вақти келиб космик жисмлар ҳаттоки сайёрамизнинг йиллик ёки кунлик ҳаракати ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

Энди эса тирикчилигимизнинг асосий манбаи бўлган сув ҳақида қисқача ўртоқлашамиз. Океанларни куёш тафти билан қийидиган баҳайбат "буғ қозонлари", десак ҳам бўлади. Бироқ унинг бағридаги сувлар ичш учун яроқсизлиги барчамизга маълум. Океан ва денгизлардаги шўр сувни биз оддий ҳолатда қабул қиламиз. Бироқ бу табиатнинг ғаройиб ҳодисаларидан бири. Чунки шўр сув Д.И.Менделеев жадвалидаги деярли барча кимёвий элементларни жамлаган ўзига хос коктейлдир.

Феруза РАҲМАТОВА



## Кўп ухламанг!

Кўп ушлаш мияни кексайтиради ва ақлий таназзулни кучайтириши мумкин. Уйқучанлик уйқусизликка олиб елади. Кўп ушлаш метаболит ва эндокрин касалликлар хавфини, депрессиядан азият чекиш эҳтимолини оширади. Шунингдек, умумий соғлиқнинг ёмонлашуви олиб келади, умрни қисқартириши ҳам мумкин.

## ЭНГ ЯХШИ 4 ТА ТАБИИЙ АНТИБИОТИК

### ► Ерқалампир (Хрен)

– жуда кучли антибиотик.

Трахеит, бронхит, давомли йўталда: 1 қошиқ қирғичдан ўтказилган ерқалампирни 3 қошиқ асал билан аралаштириб, тиндириб, бир кунда 1 маҳал 1 чойқошиқдан истеъмол қилинади.

► Клюква (қизил нордон мева) – сийдик қоли ва йўлини зарарли бактериялардан тозалайди. Клюква ўқималарни ташқи муҳитнинг салбий таъсирдан ҳимояловчи антиоксидантдир.

► Саримсоқ – қондан, ички аъзолардан ва нафас йўллари зарарли бактерияларни ва ичак паразитларини чиқаришга ёрдам беради. Қон босимини тушириб, тромб ҳосил бўлишининг олдини олади

► Райҳон – ангина, қовоқлар оғриғи, бош оғриғини ва турли яллиғланиш касалликларини тузатиш хусусиятига эга.



## QISHLOQ HAYOTI

УЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маъмурияти комплекс таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

### Тахрир ҳайъати:

Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, Ақтам ҲАЙТОВ, Махмуд ТООИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет услуда босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюрогма Г-747. 1376 нускада чоп этилди.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50. Факс – (0-371) 233-09-93. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 18.15

## АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК "ТУРОНБАНК" И ЕГО ДОЧЕРНЯЯ КОМПАНИЯ КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ ОБ ИЗМЕНЕНИЯХ В КАПИТАЛЕ ЗА ГОД, ЗАКОНЧИВШИЙСЯ 31 ДЕКАБРЯ 2021 ГОДА (в миллионах узбекских сум)



В миллион узбекских сум	Прим.	Акционерный капитал	Эмиссионный доход	Нераспределенная прибыль	Резерв переоценки стоимости финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход	Прочие резервы	Итого	Неконтролирующая доля	Итого капитал
<b>31 декабря 2019</b>		<b>887 273</b>	<b>219</b>	<b>118 065</b>	<b>15 830</b>	-	<b>1 021 387</b>	<b>867</b>	<b>1 022 254</b>
Прибыль за год	-	-	-	10 167	-	-	10 167	(152)	10 015
Совокупный доход за 2020 год	-	-	-	10 167	6 312	-	16 479	(152)	16 327
Эмиссия акций	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Собственные выкупленные акции	(167)	-	-	-	-	-	(167)	-	(167)
<b>31 декабря 2020</b>		<b>887 106</b>	<b>219</b>	<b>128 232</b>	<b>22 142</b>	-	<b>1 037 699</b>	<b>715</b>	<b>1 038 414</b>
Прибыль за год	-	-	-	22 009	-	-	22 009	-	22 009
Итого совокупный доход за 2021 год	-	-	-	22 009	-	-	22 009	-	22 009
Эмиссия акций	18	612 600	-	-	-	-	612 600	-	612 600
Объявленные дивиденды	18	-	-	(13 378)	-	-	(13 378)	-	(13 378)
Передача резерва переоценки инвестиций при выбытии инвестиций в долевые инструменты, обозначенные как оцениваемые по справедливой стоимости через прочий совокупный доход, за вычетом налога	1(a)	-	-	8 813	(8 813)	-	-	-	-
Корректировка, возникающая в результате выбытия дочерних компаний и инвестиций в долевые инструменты, обозначенные как оцениваемые по справедливой стоимости через прочий совокупный доход, в пользу владельца	1(a)	-	-	-	-	(15 760)	(15 760)	(715)	(16 475)
<b>31 декабря 2021</b>		<b>1 499 706</b>	<b>219</b>	<b>145 676</b>	<b>13 329</b>	<b>(15 760)</b>	<b>1 643 170</b>	-	<b>1 643 170</b>

## АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК "ТУРОНБАНК" И ЕГО ДОЧЕРНЯЯ КОМПАНИЯ КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ О ДВИЖЕНИИ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ ЗА ГОД, ЗАКОНЧИВШИЙСЯ 31 ДЕКАБРЯ 2021 ГОДА (в миллионах узбекских сум)

	Прим.	31 декабря 2021	31 декабря 2020
<b>Денежные потоки от операционной деятельности</b>			
Проценты полученные		844 613	373 947
Проценты уплаченные		(475 951)	(272 249)
Комиссии полученные		126 697	78 104
Комиссии уплаченные		(28 169)	(15 067)
Доходы полученные от операций в иностранной валюте		18 043	11 876
Прочие операционные доходы полученные		5 665	4 093
Расходы на содержание персонала		(174 711)	(118 601)
Административные и прочие операционные расходы уплаченные		(78 287)	(65 989)
Налог на прибыль уплаченный		(30 410)	(17 681)
<b>Денежные средства, (использованные)/ полученные от операционной деятельности до изменения операционных активов и обязательств</b>		<b>207 490</b>	<b>(21 567)</b>
Чистое уменьшение/(увеличение) по средствам в других банках		(100 130)	47 319
Чистое уменьшение/(увеличение) по кредитам и авансам клиентам		(1 316 968)	(2 123 303)
Чистое уменьшение/(увеличение) по прочим активам		(3 368)	(4 866)
Чистое уменьшение/(увеличение) по депозитам других банков		160 701	324 786
Чистое уменьшение/(увеличение) по депозитам клиентов		457 750	362 805
Чистое уменьшение/(увеличение) по прочим обязательствам		(4 590)	(2 468)
<b>Чистые денежные средства, использованные в операционной деятельности</b>		<b>(599 115)</b>	<b>(1 417 294)</b>
<b>Денежные потоки от инвестиционной деятельности</b>			
Приобретение основных средств и нематериальных активов		(229 336)	(114 789)
Поступления от реализации основных средств и нематериальных активов		544	735
Приобретение финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход		-	(3 000)
Поступления от реализации финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход		-	2 895
Приобретение долговых ценных бумаг Правительства Республики Узбекистан		(357 760)	(224 501)
Поступление от долговых ценных бумаг Правительства Республики Узбекистан		131 774	95 500
Дивиденды полученные		791	1 343
<b>Чистые денежные средства, использованные в инвестиционной деятельности</b>		<b>(453 987)</b>	<b>(241 817)</b>
<b>Денежные потоки от финансовой деятельности</b>		<b>2021</b>	<b>2020</b>
Эмиссия акций	18	342 914	-
Поступления заемных средств от государственных, правительственных и международных финансовых организаций	18 (b)	2 420 470	1 582 939
Погашение заемных средств от государственных, правительственных и международных финансовых организаций	18 (b)	(1 297 116)	(147 073)
Поступления от выпущенных долговых ценных бумаг	18 (b)	20 535	1 800
Погашение выпущенных долговых ценных бумаг	18 (b)	(9 335)	(12 500)
Дивиденды уплаченные	18 (b)	(3 137)	(19)
Погашение обязательств по аренде	18 (b)	(6 342)	(1 946)
<b>Чистые денежные средства, полученные от финансовой деятельности</b>		<b>1 467 969</b>	<b>1 423 201</b>
Влияние изменений курса иностранной валюты на денежные средства и их эквиваленты		16 761	42 645
Влияние изменений в ожидаемых кредитных убытках		(210)	26
Чистое (уменьшение)/увеличение денежных средств и их эквивалентов		<b>431 438</b>	<b>(193 239)</b>
Денежные средства и их эквиваленты на начало года	6,29	823 516	1 016 755
<b>Денежные средства и их эквиваленты на конец года</b>	<b>6,29</b>	<b>1 254 954</b>	<b>823 516</b>

	Прим.	31 декабря 2021	31 декабря 2020
<b>Чистые денежные средства, использованные в операционной деятельности</b>		<b>(599 115)</b>	<b>(1 417 294)</b>
<b>Денежные потоки от инвестиционной деятельности</b>			
Приобретение основных средств и нематериальных активов		(229 336)	(114 789)
Поступления от реализации основных средств и нематериальных активов		544	735
Приобретение финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход		-	(3 000)
Поступления от реализации финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход		-	2 895
Приобретение долговых ценных бумаг Правительства Республики Узбекистан		(357 760)	(224 501)
Поступление от долговых ценных бумаг Правительства Республики Узбекистан		131 774	95 500
Дивиденды полученные		791	1 343
<b>Чистые денежные средства, использованные в инвестиционной деятельности</b>		<b>(453 987)</b>	<b>(241 817)</b>
<b>Денежные потоки от финансовой деятельности</b>		<b>2021</b>	<b>2020</b>
Эмиссия акций	18	342 914	-
Поступления заемных средств от государственных, правительственных и международных финансовых организаций	18 (b)	2 420 470	1 582 939
Погашение заемных средств от государственных, правительственных и международных финансовых организаций	18 (b)	(1 297 116)	(147 073)
Поступления от выпущенных долговых ценных бумаг	18 (b)	20 535	1 800
Погашение выпущенных долговых ценных бумаг	18 (b)	(9 335)	(12 500)
Дивиденды уплаченные	18 (b)	(3 137)	(19)
Погашение обязательств по аренде	18 (b)	(6 342)	(1 946)
<b>Чистые денежные средства, полученные от финансовой деятельности</b>		<b>1 467 969</b>	<b>1 423 201</b>
Влияние изменений курса иностранной валюты на денежные средства и их эквиваленты		16 761	42 645
Влияние изменений в ожидаемых кредитных убытках		(210)	26
Чистое (уменьшение)/увеличение денежных средств и их эквивалентов		<b>431 438</b>	<b>(193 239)</b>
Денежные средства и их эквиваленты на начало года	6,29	823 516	1 016 755
<b>Денежные средства и их эквиваленты на конец года</b>	<b>6,29</b>	<b>1 254 954</b>	<b>823 516</b>
<b>Безналичные операции:</b>			
Конвертация долга в акционерный капитал			
Уставный капитал	18	269 686	
Другие заемные средства	18	(233 322)	
За счет других банков		(36 364)	
Обеспечение, полученное в собственность за неплатежи		-	9 273

## АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК "ТУРОНБАНК" И ЕГО ДОЧЕРНЯЯ КОМПАНИЯ КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ О ФИНАНСОВОМ ПОЛОЖЕНИИ НА 31 ДЕКАБРЯ 2021 ГОДА (в миллионах узбекских сум)

	Прим.	31 декабря 2021	31 декабря 2020
<b>АКТИВЫ</b>			
Денежные средства и их эквиваленты		6,28	1 254 954
Средства в других банках		7,28	424 885
Долговые ценные бумаги Правительства Республики Узбекистан		8,28	354 606
Кредиты и авансы выданные клиентам		9,28	8 105 890
Финансовые активы, оцениваемые по справедливой стоимости через прочий совокупный доход		10	25 067
Отложенный налоговый актив		22	55 874
Основные средства включая нематериальные активы		11	316 704
Активы в форме права пользования		11	14 361
Прочие активы		12,29	143 234
<b>ИТОГО АКТИВЫ</b>		<b>10 695 575</b>	<b>8 439 355</b>
<b>ОБЯЗАТЕЛЬСТВА</b>			
Депозиты других банков		13,29	937 614
Депозиты клиентов		14,29	2 551 642
Выпущенные долговые ценные бумаги		15,29	13 414
Заемные средства от правительственных, государственных и международных финансовых организаций		16,29	5 505 466
Обязательства по аренде			14 923
Обязательства по текущему налогу на прибыль			-
Прочие обязательства		17,29	29 346
<b>ИТОГО ОБЯЗАТЕЛЬСТВА</b>		<b>9 052 405</b>	<b>7 400 941</b>
<b>КАПИТАЛ</b>			
Акционерный капитал		18	1 499 706
Эмиссионный доход		18	219
Нераспределенная прибыль			145 676
Резерв переоценки стоимости финансовых активов, оцениваемых по справедливой стоимости через прочий совокупный доход			13 329
Прочие резервы	1(a)		(15 760)
Чистые активы, относящиеся к акционерам Банка			1 643 170
Неконтролирующая доля	1(a)		-
<b>ИТОГО КАПИТАЛ</b>		<b>1 643 170</b>	<b>1 038 414</b>
<b>ИТОГО ОБЯЗАТЕЛЬСТВА И КАПИТАЛ</b>		<b>10 695 575</b>	<b>8 439 355</b>

## АКЦИОНЕРНЫЙ КОММЕРЧЕСКИЙ БАНК "ТУРОНБАНК" И ЕГО ДОЧЕРНЯЯ КОМПАНИЯ КОНСОЛИДИРОВАННЫЙ ОТЧЕТ О ПРИБЫЛЯХ ИЛИ УБЫТКАХ И ПРОЧЕМ СОВОКУПНОМ ДОХОДЕ ЗА ГОД, ЗАКОНЧИВШИЙСЯ 31 ДЕКАБРЯ 2021 ГОДА (в миллионах узбекских сум)

	Прим.	31 декабря 2021	31 декабря 2020
Продолжающаяся деятельность			
Процентные доходы		19,29	838 713
Процентные расходы		19,29	(490 913)
<b>ЧИСТЫЙ ПРОЦЕНТНЫЙ ДОХОД ДО УБЫТКОВ ПО КРЕДИТАМ</b>		<b>19</b>	<b>347 800</b>
Ожидаемые убытки по кредитам и авансам выданным клиентам		9,29	(150 210)
Убыток от модификации финансовых активов		9	3 511
Эффект первоначального признания активов, по которым начисляются проценты		-	(319)
<b>ЧИСТЫЕ ПРОЦЕНТНЫЕ ДОХОДЫ</b>		<b>201 101</b>	<b>137 504</b>
Комиссионные доходы		20,29	122 488
Комиссионные расходы		20,29	(28 169)
Чистая прибыль от переоценки иностранной валюты			2 619
Чистая прибыль от операций с иностранной валютой			18 043
Доходы от дивидендов			791
Прочие операционные доходы, чистые			10 512
Резервы по прочему обесценению		25	(7 754)
Административные и прочие операционные расходы		21,29	(294 425)
<b>ПРИБЫЛЬ ДО НАЛОГООБЛАЖЕНИЯ</b>		<b>25 206</b>	<b>10 002</b>
Возмещение/(расходы) по налогу на прибыль		22	(3 197)
<b>Прекращенная деятельность</b>			
Убыток за год от прекращенной деятельности		-	-
<b>ПРИБЫЛЬ ЗА ГОД</b>		<b>22 009</b>	<b>10 01</b>